

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг 2023 йил 25 ДЕКАБРДАГИ  
ЎРҚ-889-СОНЛИ ҚОНУНИ БИЛАН МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ  
ЮРИТИШДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ.**

**Абдуллаев Исломидин Мукимжонович**

*Судьялар олий мактаби маъмурий хукук йуналиши тингловчиси*

Кейинги йилларда “Янги Ўзбекистон – янги суд” принципи доирасида ахолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга, инсоннинг қадр-қиммати устуворлигини таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Хусусан, мамлакатимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганигини текширишнинг фуқароларга кулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-889-сонли Қонуни қабул қилинди.

Қонунга мувофиқ, маъмурий судлар қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш механизмлари янада такомиллаштирилиб, суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартиби жорий этилди. Қонун асосида 2024 йил 1 январдан бошлаб туманлараро маъмурий судлари томонидан биринчи инстанция судида кўрилган ишларни вилоят маъмурий судлари ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида, вилоят маъмурий судлари ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, вилоят маъмурий судлари ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида қўрилган ишларни Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида, ўз навбатида, судлов ҳаъати томонидан қўрилган ишларни Олий суд Раёсатида тафтиш тартибида қўриб чиқиш жорий этилди.

Аҳамиятли жихатларидан яна бири шундаки, қонун билан апелляция, кассация инстанцияси судлари томонидан ишни янгидан қўриш учун қуий судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва улар томонидан иш бўйича якуний қарор қабул қилиш назарда тутилди.

Қонун билан суд қарорлари устидан кассация ва тафтиш тартибида шикоят қилиш муддатлари ҳам ўзгартирилди.

Хусусан, кассация шикояти (протести) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) эса, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида бериладиган бўлди.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати қуий инстанция судлари томонидан ишни қўриш натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни қўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин, яъни яна қўшимча уч ойлик муддат берилиши назарда тутилди.

Олий суд Раёсатига Олий суд раисининг, Бош прокурорнинг протести тегишли шахсларнинг мурожаати келиб тушган кундан эътиборан уч ой ичида, лекин судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибида қўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай киритилиши мумкин.

Суд қарорлари устидан апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома шикоятни (протестни) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва шикоят (протест) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари судья (суд) томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Олий суд Раёсатининг қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан шикоят қилинмайди, протест келтирилмайди.

Юқоридагилардан англаш мумкинки, ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ишларни қўришнинг ўта марказлаштирилишига барҳам бериш,

фуқароларнинг олис худудлардан судга келиб сарсон бўлишининг олдини олиш мақсадида вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларда ишлар апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибида қўрилишини, ишлар тафтиш тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ва алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида қўрилишини ҳамда юқори инстанция судлари томонидан ишларни янгидан қўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тартиби бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Конун одил судловга эришиш даражасини янада оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида қўрилишига, суд қарорларини қайта қўришда ўрта бўғин – вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар имкониятларидан самарали фойдаланишга, шунингдек фуқароларнинг судлардаги ортиқча харажатлари тежалишига хизмат қиласи.